



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 26 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (10.996)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Устозга эҳтиром» мавзюда маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир давомида ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги фидойилиги ҳамда кўп йиллик самарали хизматлари учун бир гуруҳ устоз-мураббийлар республика Хотин-қизлар кўмитасининг Фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.
- Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига қаратилган «Туризм ва экотуризм ижтимоий ҳимоя ва барқарор ривожланиш мақсадида» мавзюдаги 5-халқаро конференция Тошкентдаги «Марказий» меҳмонхонасида ўтказилди.

- «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши қошидаги «Етакчи» ўқув марказида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри «Камалак» болалар ташкилоти раислари ва халқ таълими бошқармалари вакиллари иштирокида «Таълим муассасаларида «Камолот» ва «Камалак»нинг ўрни» мавзюда ўқув-семинар бўлиб ўтди.
- «Пешкупахтатозалаш» очик акциядорлик жамияти мамлакатимиз Президентининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш sanoati корхоналарини модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ янги технология билан жиҳозланди.
- Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида Нурота шаҳрида 2-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 410 ўринга мўлжалланган ушбу ўқув муассасаси замонавий меъморий лойиҳа бўйича «Шодия» кичик корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилди.
- Андижон туманидаги «Гулсум» кичик корхонасида йилга 50 минг квадрат метр паролон, 150 тонна қора лак, 400 тонна пойабзал елими ишлаб чиқарилмоқда.

- Хоразм вилоятидаги йирик sanoat корхоналаридан бири «Урганчғ» очик акциядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган олти ойида 60 минг тонна чигит қайта ишланиб, салкам 11 минг тонна ёғ ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди.
- Андижонда ўтказилган «Йил аёли» кўрик-танловда шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган хотин-қизлар иштирок этишди. Голибликни Жалакудук туманидаги педагогика ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчиси Ойимниса Фойпова қўлга киритди.
- Мамлакатимизда «Билайн» савдо маркази билан уяли алоқа хизмати кўрсатаётган «Юнител» масъулияти чекланган жамиятининг миқозлари сони Фарғона водийсида 500 минг нафарга етди.

ЖАҲОНДА

- 30 сентябрь куни Украинада Олий Радага сайловлар бўлиб ўтади.
- Ливанда мамлакат президентлигига сайловлар ўтказиш мuddати 23 октябрга қўйрилди. Мутахассисларнинг фикрича, эндиликда сайловда максимал нейтрал даражадаги номзодлар қатнашиши мумкин.
- Хитой ҳукумати янги космодром қуриш тўғрисидаги режани тасдиқлади. Бу иншоот мамлакат жанубидаги Хайнань оролида бунёд этилиб, 20 квадрат километрни ташкил қилувчи жойда учинчи майдондан ташқари, учинчи бошқариш маркази, шунингдек янги авлод ракета ташувчиларни йиғадиган корхона ҳам қад ростлайди.
- Мьянмада ҳарбий хунта бошқарувига қарши бир ҳафтадан бўён давом этаётган норозилик намойишлари тобора авж олмақда. Хусусан, оммавий тартибсизликлар туфайли мамлакат пойтахтида комендантлик соати жорий этилди. Кеча БМТнинг Бош ассамблеясида сўзга чиққан АҚШ Президентини Жорж Буш инсон ҳуқуқлари бузилиши муносабати билан Мьянмага нисбатан қўшимча иқтисодий ва виза санкцияларининг жорий этилишини билдирди ва бошқа мамлакатларни ҳам шунга чақирди.
- Афғонистонда бронетранспортёрнинг портлатилиши оқибатида икки нафар испаниялик ҳарбий хизматчи ҳаётдан кўз юмди.
- Кеча АҚШ Қуролли қучларига қаршли «МН-60» вертолётни Тинч океани худудидаги Гуам оролида ҳалокатга учради. Натижада битта экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмди, уч нафари эса жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.
- Кеча Буюк Британиянинг Нанитон шаҳрида қуюннинг хуруж қилиши натижасида 35 та уй вайронага айланди. Ҳозирда вайрон бўлган жойларда ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар ишламоқда.
- Кеча Таиланд пойтахти Бангкокда мукофот жамғармаси 400 минг еврога тенг халқаро теннис турнири бошланди.
- Бокс бўйича ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон Месса шаҳрида ўтказилаётган суд жараёнларида ўзининг гийбандлик моддасини истеъмол қилишини тан олди. Қонун бўйича боксчи тўрт йилдан ортиқ қамоқ жазосини ўташи керак. Ушбу иш бўйича сўнги ҳукм жорий йилнинг 19 ноябрида эълон қилинади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

- **БУГУН** шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб педагоглар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида уюштирилган матбуот анжумани «Ўқитувчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» деб номланди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида «Аёл маънавияти» мавзюда маҳалланинг фаол хотин-қизлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати Ҳамза туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб уюштирилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** солиқ идоралари вакиллари иштирокида ўтказилган семинар солиқ тизимида юз бераётган ислохотларнинг аҳамиятига бағишланди.
- **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Сизга таъзим, устозлар» деб номланди.
- **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан шаҳримиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 22-мактабда ўтказилган хайрия тадбирида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.
- **КЕЧА** молия ташкилотлари мутахассисларидан бир гуруҳи ўзаро ҳамкорлик қилиш ва хорижликлар иш фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкентдан Сингапур мамлакатига жўнаб кетди.
- **ДАВЛАТ** солиқ кўмитаси ташаббуси билан шифокорлар, солиқ идоралари вакиллари иштирокида **КЕЧА** уюштирилган семинарда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва молиялаштиришда солиқ идораларининг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат тиббиёт академиясида юртимиз Истиқлолнинг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир ва югуриш марафонидан талабалар ўзаро беллашди.
- **«ЖАР»** спорт-соғломлаштириш мажмуасида Оила ва никоҳ маросимлари маркази «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида уюштирилган семинар машғулот «Оила — муқаддас Ватан» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» МАВЗЮДАГИ МАЪРУЗАСИДА ОЧИҚ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ИЖТИМОЙ ГУРУҲЛАРИ ВА КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИГАН ЭРКИН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАСЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Пойтахтимизда ташкил этилган «Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш — миллий тараққиётнинг устувор вазифаси: мамлакат оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб масалалар» мавзюдаги республика конференциясида давлатимиз раҳбари маърузасида мазкур йўналишда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда оммавий

ахборот воситалари вакиллари олдида турган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Журналистлар ижодий уюшмаси кўмагида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, марказий, худудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этиди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х. Дўстмухамедов, Ўзбекистон Қажрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раҳбари Ф.Абдухалиқов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жа-

моат фонди раҳбари Ж.Ҳақимов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишдек масъулиятли жараёнда миллий матбуотни янада ривожлантириш, унинг фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Бугун тезкорлик билан ўзгариб бораётган замонда, глобаллашув жараёнида халқимиз, айниқса, ёшларни турли маънавий-ахлоқий ҳамда мафкуравий хуруж ва таҳдидлардан ҳимоялашда оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини ошириш долзарб масалага айланди. Шу билан бирга, ахборот маконидаги кучли рақобат муҳити журналистлардан ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга теран тафаккур, зийрак нигоҳ билан қарашни, чуқур таҳлил баробарида қатъий ва фаол фуқаролик позициясидан ёндошувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячиларига айланишини талаб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Келажак овози» танловининг пойтахт голибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.



«Келажак овози» ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



Маълумки, мазкур кўрик-танлов ўсиб келаётган келажак авлоднинг маънави ва ҳисмонан етук этиб тарбиялаш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқариш, уларга гамжўрлик қилиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашлариға кўмак бериш мақсадида ўтказилиб келинмоқда. Бу йилги «Келажак овози» танловининг шаҳар миқёсидаги саралаш босқичида иштирок этиш учун пойтахтда таълим олаётган ёшлардан 3.000 га яқин аризалар тушди. Улар «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадий ижод ва публицистика», «Меъморчилик ва дизайн», «Ахборот ва коммуникация технологиялари», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа», «Рационализаторлик тақлифлар ва техник лойиҳалар» ва «Спорт» каби еттита номинациялар бўйича ўз иқтидорларини синовдан ўтказдилар.

— Йилдан-йилга ушбу танловга ёшлар ўртасида қизиқиш ортиб бормоқда. — деди жумладан тадбирда сўз олган «Келажак овози» республика ёшлар ташаббуслари маркази раҳбари Баҳодир Шаропов. — Хусусан, биринчи йили 3.000 га яқин ариза келиб тушган бўли бу йил ушбу кўрсаткич 30.000 дан ортиб «Келажак овози» тан-

лови катта лойиҳага айланди. Албатта буюртимизда иқтидорли, изланувчан, интилувчан катта ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган ёшлар сафининг ортиб бораётганидан далолатдир.

Истеъдод — инсонга бериладиган буюк неъмат. Шундай экан бугунги голибларни муборакбод этиб келгусида улар сафининг янада ортишини тилаймиз.

Тадбир давомида 42 нафар голибларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлимининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Голиблар сафидан бўлганидан қалби қувончга тўлган Равшан Алимов, Ирода Эралиева, Уйғун Алматов, Мирзиёд Мирусмонов, Фаррух Бозорбоев каби бир гуруҳ ёшлар бизга дил сўзларини билдириб, орзу-ниятлари билан ўртоқлашди. Уларнинг фахру гурури билан танловнинг Республика босқичида ҳам голибликка даъвогар бўлишга интилишларини айтишдик.

— Мен аввало ушбу танловни ташкил этган, бизнинг интилишимиз, истеъдодимизни юзага чиқаришга йўл очган ташкилотчиларга ўзим ва тенгдошларим номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман, —

дейди «Рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси голиби Дилшода Рустамова. — Биз ёшларга шундай шароит яратиб берилганидан жуда хурсандимиз. Келажакда ушбу ишончли албатта оқлаб, ўзимнинг буюк имкониятим ва иқтидоримни ортим равнақи, унинг тараққий топишга бағишлайман ва буни фарзандлик бурчим деб ҳисоблайман.

Ха, «Келажак овози» танлови йилдан йилга қўллаб янги-янги иқтидор ва истеъдодларни кашф этмоқда. Бу эса албатта мустақил юртимизда келажакка ишонч билан интилаётган, замонавий таълим-тарбия олаётган эртамиз издошлари сафининг ортиб бораётгани ва порлоқ келажак ишончли қўлларда эканидан далолатдир.

Тадбир давомида эстрадамиз юлдузлари ижросида янграган шўх куй ва қўшиқлар ёшлар ҳаяжони, фикр-уйига ҳамоҳан бўлиб тантананин янада серзавқ ўтишига хизмат қилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



№ 8 (180) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг саҳифаси

ИНСОНИЯТ ҲАЁТИ УНИ ЎРАБ ТУРГАН ТАБИИЙ МУҲИТ БИЛАН ЎЗВИЙ БОГЛИК БЎЛИБ, ИНСОН ЯШАШ УЧУН ҚУРАШАДИ, ТАБИАТНИНГ БАРЧА ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ЕНГИШГА, МОСЛАШИШГА ИНТИЛАДИ. ҲАР БИР ИНСОН ЎЗИНИНГ ИДРОКИ, МУШОҲАДАСИ БИЛАН ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛОНАДИ, ҚУРАДИ, БУНЁД ЭТАДИ.

Масалан инсон яшаши учун иморат қурадиган бўлса, қуриладиган жойлардаги гиёҳлар, дарактлар йўқотилиб замин тайёрланади, бир вақтлар минглаб йиллар табиат бағрида турган жой инсон истиқомат қиладиган масканга айланади. Шундан кўриниб турибдики, одамлар ўзлари учун истиқомат жойлари барпо этар эканлар натижада табиатда қандайдир ўзгариш содир бўлади. Инсон қуриш материаллари сифатида табиий ўрмонларни керагича кесади, демак ўсимлик дунёси қисқаради, атмосфера ҳавосининг муносиб бўлишига раҳна солинади, тупроқ эрозияга учирайди, ер ости сувлари камайиб боради. Табиатга нисбатан кўр-кўрона ёндашиш унинг бебаҳо неъматларидан аёвсиз фойдаланиш оғир асоратлар қолдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари,

латимиз, миллатнинг тақдири ётибди.
Атроф-муҳитни муҳофазаси қилишдан мақсад:
— инсон саломатлиги, экологик мувозанатни сақлаш учун, республика мизни самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
— жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;
— экологик тизимлари, ландшафтлар ва ноб табиат объектлари хил-

ларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:
— инсониятнинг яшаш муҳити бўлган биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш. Одамларнинг экологик жиҳатдан ҳавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;
— фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини жорий этиш;
— жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;
— ҳар бир лойиҳалаштирилётган, қурилатган объектларда экологик экспертиза ўтказишнинг мажбуриятлиги;
— табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофазаси қилишни рағбатлантириш;
— табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сийҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмаган оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик;
— табиатни муҳофазаси қилиш вазифаларини ҳал қилишда ошқоралик;
— табиатни муҳофазаси қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;
— табиатни муҳофазаси қилиш қонун талабларини бузганлиги учун жавобгарлик каби масалаларга жиддий муносабатда бўлишдан иборат.

Дилдора СУЛТОНОВА,
давлат ноизи

ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАРНИ БАЖАРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», — деб кўрсатилган: Демак, табиатни муҳофазаси қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сийҳатнинг асосига айланиши лозим. Чунки ушбу муаммонинг ортида бутун мустақил дав-

ла-хиллигини сақлаб қолиш;
— экологик ҳавфсизлигини таъминлаш;
— табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш ва келгуси авлодга зарар етказмасдан қолдиришдир.
Табиатни муҳофазаси қилиш мақсадлари эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар, корхона, муассасалар, ширкатлар, шунингдек, айрим хусусий ҳужайялар ўзларининг ишлаб чиқариш фаолият-

ЎҚУВЧИЛАРДА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ АЙНИКЧА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА, ЯЪНИ ТАЪЛИМНИ ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ СТАНДАРТЛАР ТАЛАБИГА ЖАВОБ БERAДИГАН ДАРАҲАГА КЎТАРИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАЪТИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА АСОСИЙ ВАЗИФА СИФАТИДА ҚАРАЛМОҚДА.

Айниқча бу муаммонинг ечимини амалга оширишда таълим соҳасида экологик тизимни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун кейинги вақтларда юртимизда экологик таълимни халқ таълимининг барча погоналарида ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ёш авлодга экологик таълим-тарбия бериш долзарб масала ҳисобланади.

Ёшлар табиат ҳақидаги тушунчаларни ўз уйларида олиб, ёшларни улғайгани сари табиатга бошқача назар билан қарай бошлайдилар. Бу эса ўз навбатида ота-оналарнинг ҳам экологик масалалар ҳақида оддий тушунчаларга эга бўлишларини тақозо этиб, бола онгида табиатни севиш

ва уни асраб-авайлаш тўғрисида уйғотишлари жуда муҳим ҳисобланади. Бошланғич синфларда экологик таълим ва тарбия, табиатуношлик фани асосий ҳисобланиб, ҳаёт учун зарур табиат компонентлари бўлиши сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида дастлабки билимларни беради. Ўқувчилар оддий экологик тушунчалар — ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ҳаво, сув, ер билан илк бор танишадилар. Шу тариха ҳаво инсон ва ер юзидаги барча тирик организмлар учун бебаҳо бойлик ва уни тоза тутиш кераклигини англаб етдилар. Бунда сув — обиди, сувсиз ҳаёт бўлмаслиги, барча тирик организмларнинг табиатда ҳаёт кечирishi учун сув зарурлиги, инсон сувсиз

бир неча кун яшаши мумкинлигини ўқувчиларга жуда муҳим ҳисобланади. Бошланғич синфларда ўқувчининг эстетик қарашларини шакллантиришда мактаб ҳудудини ободонлаштириш, даракт қўчатлари экиш, қўшлар ва ҳайвонлар учун уялар ясаш, ариқларни чиқиндилардан тозалаш каби амалий ишлар муҳим аҳамият касб этади. Болалар учун «ойна ҳаёт» экололог тарбия сабоқлари, айниқча, ер, сув ва атмосферанинг ифлосланганлиги ҳақида, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси тўғрисидаги фильмларнинг бериш борилиши фойдалан ҳоли эмас.

Малоҳат МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
мутахассис



Алексей Попов олган суратлар

Яшил бойликларимиз

ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

ШАҲРИМИЗ СЎЛИМ, ЯШИЛ ДОВ-ДАРАХТЛАРГА БУРКАНГАН МАСКАНЛАРДАН ҲИСОБЛОНАДИ. ҲАР ЙИЛИ БАҲОР ВА КУЗ ФANСЛАРИДА ШАҲРИМИЗ КЎЧА, ҲИЁБОНЛАРИГА МИНГЛАБ ТУП МЕВАЛИ, МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ВА БУТАЛАР ЭКИЛИБ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИЛМОҚДА. Бундай кўчаларимиздан Ш.РАШИДОВ, БУЮК ТУРОН ШОҲҒҶЧАРИ, МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ, А.ҚОДИРИЙ ХИЁБОНИ АЙНИКЧА НОЁБ НАВЛИ ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛИБ, ШАҲРИМИЗ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАЯПТИ, ШУ БИЛАН БИРГА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИГА АЙЛАНЯПТИ.

Ушбу яшил бойликларимизнинг муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланиш» Қонунининг 15-моддаси, дов-дарактлар ва буталарни кесиб, ўрмон фондига кирмаган дов-дарактлар ва буталарни кесиб, санитар тозалаш, қурилиш жойларидаги инженер иншоотлари атрофидаги дарактларни кесиб юзасидан маҳаллий органлар қарори ҳамда табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг келишувига асосан олиб борилади.

Қоронинг кунининг 28-моддасига асосан фуқаро ва мансабдор шахслар ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш қонунларини бузгани учун чегараланган меъёрда жавобгардирлар. Бунда фуқаро ҳамда мансабдор шахслар табиатга етказган зарар учун қонунда белгиланган бадал тўловини тўлайдилар. Мазкур бадал тўлов пули белгиланган қонуний доирада тўланиши шарт.

Шу ўринда баъзи корхона, ташкилот, муассаса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, мактабга таълим муассасалари, мактаблар раҳбарлари ва фуқаролар томонидан ўз ҳудудларидаги дов-дарактларни кестириш ташлаш ҳолатлари учраб турганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ўзбошимچалик юз берган тақдирда қўмита, нозирлари табиатга етказилган зарарни фуқаро, корхона, ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 293-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ белгилайдилар ва «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 162-моддасига асосан жарима соладилар. Бунда кесилган даракт тўнкасининг айланасидан ўлчанади. Масалан, тўнка айланасининг 4, 1-8 сантиметр бўлган қисмидан 0,3 коэффициентга ўртача иш хақи кўпайтирилади. Корхона, ташкилотлар учун бу коэффициент

ент 5 баробар, шу жумладан эслатмада кўрсатилган ноёб навли дарактлар учун яна 5 баробар кўпайтирилади. Масалан: диаметри 4, 1-8 сантиметр эман даракти учун корхона ва ташкилотларга тўлов пули 1525х0,3х5х5—116437,5 сўм миқдориде белгиланади.

Фуқаролар ҳудди шундай диаметрли эман даракти учун 1525х0,3х5—23287,5 сўм бадал тўлови тўлашади. Ана шундай ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун корхона, ташкилот, муассасалар шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси раиси номи олдидан ёзма ариза хатлари билан мурожаат этишлари лозимдир.

Қўмитага тушган ариза хатлари 2-3 кун ичида даракт чиклади учун, ва тегишли жавоб хатлари ёки қонуний далолатнома тўзилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарорига асосан рухсат берилган даракт учун, яъни ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун бадал тўлови белгиланади. Масалан, рухсат этилган кам қимматли дарактлар учун даракт айланасининг ердан 1,3 метр беванд қисмининг айланаси 4 сантиметргача 0,2 коэффициент қўлланилади. Ва бу ўртача иш хақида кўпайтирилади. Шу даражада зарар даракти учун 1525х0,3—46575 сўм белгиланади. Бундан кўриниб турибдики, албатта рухсатнома олиб даракт кестириш биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш гуруҳининг раҳбари



МУАММО БЎЛМАЙДИ
Европа мамлакатлари ўрта Осиё ва Россия энергетика захираларини тобора кўпроқ харид қилишга интилади. Лекин яқинда матбуотда Европа иттифоқи қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 2020 йилга бориб 20 фоизга етказмоқчи эканини ўқиб қолдим. Шундай бора-верса, бизнинг газ маҳсулотларимизга уларда эҳтиёж қолмаслиги мумкинми?

Россия табиий монополиялар муаммолари илмий-текшириш институти мутахассисларнинг билдиришларича, Европа углеводородларга тобеликдан халос бўлишга интилиши табиий. Аммо ҳозирда тикланадиган энергия табиийсига нисбатан бир неча баравар қимматга тушади. Шунинг учун 2020 йилга бориб ҳам қитъа бизнинг газимизга муҳтож бўлаверади.

Табиий газ тоза ва қулай ёқилги. Европада газ истеъмоли йилига 2 фоиздан ўсиб боради. Уларнинг Россия ва ўрта Осиё углеводородларига бўлган умумий эҳтиёжи ҳозирда 40 фоизни ташкил этади. Шунинг учун ҳам ЁИнинг аста-секин тикланадиган ёқилгига ўтиши ҳали-бери бизни хавотирга сололмади. Бунинг устига газга бўлган эҳтиёж умуман ошиб бориши кутилмоқда.

МАЙОНЕЗНИНГ ЯХШИСИ ҚАНДАЙ ТАНЛОНАДИ?

Ҳозирда кўпгина салатлар, газакларга майонез ишлатилади. Дўконларда унинг хилма-хил турларини қўриш мумкин. Лекин яқиндаги топиш мен учун қамиша муаммо бўлиб келади. Шу масалада ёрдам берсангиз...

Жамила Ёқубжонова,
Шайхонтоҳур тумани.

Пазанда Муҳлиса ва Каримжон Илёсовлар жавоб беришади:

«Лимон шарбатили Провансаль» («Провансаль с лимонным соком»), «Олтин зайтулли» («Золотой оливковый») ва «Енги» («Легкий») деб номланувчи майонезлари, «Махеев» премиум классли майонезлар йирик компания маҳсулотлари бўлиб, уларнинг сифатини яқин баҳолаш мумкин. «Махеев» ишлаб чиқарувчи корхона номини ҳам билдиради.

Бу соҳага янги кириб келган ёки кичик компаниялар яқин соуз тайёрлашлари амри-маҳол — чунки бу жуда нозик иш. Шунинг учун йирик компанияларга устуворлик берганингиз маъқул. Ишлаб чиқарувчидан кейин майонез солинган идишга қараш керак. Дозаторли пластик халтачадаги майонез сифати бузилмайди.

Эътибор қилишнинг керак бўлган учинчи жиҳат — маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Қориша «ёги бўлак, соуси бўлак» бўлиб ёқрилиб турмай, бирдек силлиқ кўринишга эга бўлиши керак. Тарелкага йирик бир томчи томзилганда, у ўз шаклини йўқотмаса — унга ишонса бўлади.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ — ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТ

Мен ўғлимни жуда яқин кўраман. Унинг ақлли, соғлом ўсиши учун ҳамма шароитларни яратиб беришга интиламан. Лекин яқинда ундан: «Сиз мени яқин кўрмайсиз» деган гапни эшитиб, қотиб қолдим. Наҳотки менинг ҳаракатларимни у паёқ-амаётган бўлса? Ўз меҳримни унга яна қандай билдиришим керак?..

Амина Султонова,
Сергели тумани.

Болалар психологи Нафиса Комилова жавоб беради:

Шифокор ҳузурига олиб келинган болаларни яқинлаб ўрганиш кўпинча улар билан эмас, балки ота-оналари билан гаплашиш кераклигини кўрсатади. Масалан, онасининг севишига ишонмаган бола нимани назарда тутаети? Бу ерда гап ҳеч бир шартсиз, шак-шубҳасиз болани борица, бўлганча севиш ҳақида кетади.

Қимматбахо кийимлар, уйинчоқлар сотиб олиб бериш, курортларга сафарлар боланинг ота-она билан бевосита мулоқоти ўрнини босолмайди. Кичкинтойни ўрнига ётқизиб қўйиб, уйкусидан олдин эрталар ай-тиб бериш, қизикarli китобни овоз қилибди ўқиб беришининг ҳам ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Шак-шубҳасиз севиш — бу кейинчалик ўсиб-улғайиб, вояга етган фарзандингиз билан дўстона муносабатларининг биноси пойдевори бўлиб ҳизмат қилади. Шундай севиш тушунчаси боланинг ташқи қиёфаси ва қобилият даражасининг унинг ўзигагина хос жиҳатлари билан жон-дидан қабул қилишни ҳам англаштиради.

Шу масалаларда болани танқид қилиш ҳалокатли оқибатларга олиб бориши мумкин. Уларнинг хунуқликлари, бақалоқликлари, аҳмоқликлари, танбалликлари ва бошқа қусурлари ҳақида ота-оналарнинг шафқатсизларча танбелларини эшитиб ўсган болалар келгусида бахтсиз кишилар бўлиб қолган ҳоллар кўп.

ХОНАНДАМИ ЁКИ МОДЕЛЬЕР?

Россиялик машҳур хонанда Лолита фақат ўз мамлакатиде эмас, балки узоқ ва яқин хориж мамлакатларида ҳам машҳур. Лекин уни модельер ҳам деб эшитиб қолдим. Наҳотки? Иккала касбни бир-бирига қўшиб олиб бориш мумкинми?

Гулюз Жонридова,
Собир Раҳимов тумани.

«Жизнь» газетасида хабар қилинишича, қўшиқ, қўшиқчилик, гастроллар машҳур хонанданинг бутун вақтинини эгаллаб, ҳаёти, ҳавли, уй-фирқаларини ҳам банд этган дейиш мумкин. Машҳурликнинг ўзи бўлмайди-да.

Лекин хат муаллифининг гапларида ҳам жон бор. Чунки бўлғуси эстрада юдузи талабалик йиллари (у Тамбов маданият институтини тамомлаган) нақ уч йил моделлик ҳам қилган экан.

— Лолитанинг қомати гитарани эслатарди, — дея хотирлайди Тамбов маийш ҳизмат уйи конструктор-модельери Клара Сичкова. — Бутун жисмидаги мутаносиблик, келишган оёқлари ўзига жуда ярашарди. Барча янги коллекциялар унинг қоматига мослаб тиклиларди. У ҳеч қачон инжиқлик қилмас ва саҳнада жуда гўзал юриш қиларди.

Модель сифатида Лолитанинг ilk дебюти Тамбов трикотаж фабрикасида бўлиб ўтган. У ерда қизлар тўқилган кўйлаклар ва кофталарни намойиш этишган. Уша вақтда Лолита билан бирга унинг курсдоши Елена Костина ҳам моделлик қилган.

Шифобахш ўсимликлар

НАРГИС

НАРГИС—ЧУЧМОМАДОШЛАРГА МАНСУБ ПИЁЗЧАЛИ ВА КЎП ЙИЛЛИК ЎТСИМОН ЎСИМЛИКЛАР ТУРКУМИГА КИРАДИ. БАРГЛАРИ НАШТАРСИМОН, ИНГЧИКА, ОҚ ЁКИ САРИҚ ГУЛЛАРИНИ КЎТАРИБ ТУРУВЧИ ПОЯСИ УЗУН ВА БАРГСИЗ. ГУЛЛАРИ ЯККА ЁКИ ГУЛБАНД УЧИДА БИР НЕЧТАДАН ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, БИР ОЗ ЭГИЛИБ ОЧИЛАДИ. МЕВАСИ ЭТЛИ КЎСАКЧА.

Наргис ўсимлигининг 60 га яқин тури бўлиб, уларнинг аксарияти ўрта денгиз ҳудудларида ўсади. Наргис асосан ҳушманзара ўсимлик сифатида ўстирилади.

Ўсимлик шифобахш томонлари билан ҳам қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино наргиснинг илдинини асал ва қатрон билан яқинлаб аралаштириб, баданга кирган зирапча, тикан ва ўқлар устига суртиб, уларни суғуриб олишда ишлатган. Илдин билан узум сиркасини аралаштириб юзга суртилса, теридеги доғ ва сепкиллاردан халос бўлиш мумкинлиги ҳақида маълумот берган. Халқ табиотида наргисдан тайёрланган дори-дармонлар кенг қўлланилади. Наргис ўсимлигининг пиёзбошии спиртга солиб, настой қилинса, қабзиятга даво бўлади. У ўт йўлини тозаловчи омил сифатида ҳам қўлланилади.

Ҳозирги замон табиотида наргиснинг пиёзбошиидан линкорин алкалоиди олинмоқда. Унинг гуллари пар-

фюмерия саноатида кенг қўлланилади.

Гул ихлосмандлари наргисни хоналарда ҳам ўстирмоқдалар. У истироҳат ва ботаника боғларини, сўлим сайроғх жойларини янада кўркемлаштиришда экиб кўпайтирилмоқда. Озарбойжоннинг Апшерон раيونиде наргиснинг маданий рившида экилган плантациялари мавжуд.

Наргис пиёзлари ва уруғлари орқали кўпайтирилади. Пиёзчалар экилганда, у 2-3 йилда гуллади, уруғлари экилса, 6-7 йилда гуллади. Пиёзчалар катта-кичиклигига қараб, чучур ёки юзароқ экилади. Ўсимлик пиёзчалари сентябрь-октябрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади. Наргис пиёзи бир ернинг ўзида 10 йилгача туриши мумкин. Ўсимликнинг пиёзчалари унинг барча барглари қуригандан кейингина қавлаб олинади. Ва 20-25° иссиқда, қишда эса 8-10°дан ошмайдиган хоналарда сақланади.

Чарос ШОФАЙЗИЕВА

СИМОБ БУФИДАН ЭХТИЁТ БЎДИНГ

ҲОЗИРГИ ДАВРДА БОЛАЛАРИМИЗ ОНГИДА КУНДУЗГИ ЁРИТУВЧИ ЛАМПЛАЛАРНИНГ ЗАРАРЛИГИ Тўғрисидаги УМУМАН МАЪЛУМОТ Йўқ, УЛАР БУ ЛАМПЛАЛАРНИ СИНДИРИШДАН ҲАМ ҚўРҚМАЙДИЛАР.

Айтиш керакки, ирсий касалликларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, болаларнинг тишлари, сочлари тўқилганлиги ҳам шу сабабдир. Жаҳон соғлигини сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра симоб зарарлиқ даражаси энг юқори зарарли моддалар қаторига киритилган. Симоб инсон организмиде тўпланиб, асаб тизимига, миёга таъсир кўрсатади, жигар ва ошқозон-ичаклар фаолиятини издан чиқаради.

Атроф-муҳит оғирлашгач, симоб буғи органик мод-

далар, металллар билан (масалан мис билан) бирикиб, бунинг оқибатида организмга бўлган таъсирни кучаяди ва ёмон генетик оқибатларга олиб келади.

Агар хонада битта люминисцент лампаси синса, муайян вақт ўтгач, симоб буғи концентратсиясининг организмга зарарли таъсирини 20 барбар ошади.

Шамоллатиш билан хонадаги симоб таъсирини камайтириб бўлмайди, чунки у фаол сезувчанлик хусусиятига эга, кўпинча материалларга шимиллиб, ундан ажралishi узоқ вақт давом этади. Симобнинг

одамаг таъсирини баргараф этиш учун махсус ишлов — демеркуризация ўтказилади.

Кўчада синдирилган 1000 донга лампа Тошкент шаҳрига тегишли 75 фоиз ҳудуднинг 3-қаватгача бўлган қатламини зарарлайди. Фақат рухсат этилган, яъни махсус технология режимда, махсус жиҳозларда, махсус ишлаб чиқаришда лампаларни йўқотиш унинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини 8500 марта камайтиради. Бинобарин, сизнинг организмннгизни симоб хавфидан халос этади. Лампаларни синдирманг, ўзингизни ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг. Ахлатхонага тушган лампалар эса, келажак авлодга, невараларингизга таъсир этиши мумкин, ахир сиз буни хохламайсизку?

Азиз КАЛИМБЕТОВ,
Юнусобод тумани давлат ноизи

03-03 ўрганиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Ўғил-қиз — ота-она орзуси. Аммо ёмон фарзандлар ота-онадан кейин уларнинг номини ҳам атамайди. Бу хил ворисдан вафо кутиб бўлади-ми?! Бу тоифанинг қилиғи — ёвуз, қилмиши — жафо!

Хавас, нафс бўйини жуда қаттиқ синдириш керак, Сўнг ўзинг тоат-ибодатдан ҳаловат топсанг (бўлади).

Хавас билан дин иши ишончли бўлмайди.

Хавасга эрк берса, (киши) тутқун бўлади.

Ўғил-қиз тадбири кишига (кўз ўнгидан) кетмас шарпадир.

Кўнгил деганлари мисоли шиша, Синиб қолмасин у — асра ҳамиша.

Кўнгил нозиклиги бу сўзга нишон, У иссиқ-совуққа боғлиқ ҳар қачон.

Жўра кўнгли синса, бўлар ички ёв, Қайда ёв бўларкан, кеки — беаёв!

Ёвинг қанчалик кичик ёки кам сонли бўлса ҳам сен уни улуғ деб бил. Ҳатто чивин ҳам фил учун арзимас душман эмас! У қақадиган бўлса, филдек жонивор ҳам сакраб кетади.

Душманам кичик деб гафлатда қолма, Нега кўркмайин, деб сен шов-шув солма. Ёвинг бўлса, асло гофил бўлмагин, Ёвга ёв, яхшига яхши бўл, толма.

Кишига наф келтирмайдиган киши ўликдир.

Кимнинг дўсти кўп бўлса, унинг номи ёйилади. Барча ишлари ўз вақтида адо этилади. Дўстлар кишининг яхши томонини оширади, айбунқсонларини яширади.

Кимнинг хислат-фазилати кўп бўлса, унинг ёви ҳам бўлади. Кимгаки ёвлар кўплашиб ёндашар экан, ўша кишининг хислат ва фазилатлари кўп деб ўйлайвер. Ёв билан беллашган мардларнинг номи оламга ёйилади. Ёвсиз кишининг отини ким ҳам биларди?!

Эл-юрт орасида юрса-ю, тилини тия олса, ўша одам мард бўла олади. Дағалга мулойим, аччиқ сўзга ширин жавоб бера олиш ҳам мардлик.

Кишиларга асло сўзлама дағал, Дағал сўзга кўнгил оғрир ҳар маҳал.

Сени ким сўксами, мақтагин уни, У тубан бўлур, сен — саралар сони.

Жафо қилувчига этавер вафо, Вафони мард қилар, номардлар — жафо.

Агар яқин дўстлар, қариндош-уруғлар оёқ узиб кўйса, сен ўзинг яқинлик ипларини улагин.

Агар золим сенга зулм қиладиган бўлса, Сен уни кечиргин — дин йўли шудир.

Мардларнинг марди шу бўлар доимо, Оламни олса ҳам, керилмас асло.

Кўнгил кимни суйса, кўрар кўзда ул; Кўнгил қайга борса, учар юзда ул.

Кўнглида не бўлса орзую тилак, Оғиз очса, чиқар тилу сўзда ул.

Ўз фойдасини кўзлашга ақл маслаҳат бермайди.

Ўз манфаатини кўзлаган одамга маслаҳат солмаслик керак, эй бахтиёр одам, бундай маслаҳат сенга хайрли бўлмайди. Маслаҳатни шундай одамдан сўраш керакки, у бу маслаҳатдан ўз манфаатини кўзлашмасин. Ўз манфаатини кўзловчи ўз фойдасига интилади, бу йўлда ҳатто зўрлик ўтказишга ҳам уринади.

Барча наф ҳам, эзгуликлар ҳам одамлар орасида.

Бошқаларнинг эмас, ўз айбининг кўр.

Ҳар қандай иш юзасидан бошқаларга маслаҳат солиш керак, лекин кўнгил чопган ишнингина қилиш керак.

Ўзингга ўзингдан бошқа меҳрибонроқ киши йўқ, бундай меҳрибонни бошқалардан изламагин.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ҲАМИША НАВҚИРОН МАРҒИЛОН»

РОССИЯ ДАВЛАТ ГУМАНИТАР ИНСТИТУТИНИНГ ИНТЕРНЕТИДАГИ САҲИФАСИДА АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲА ОСТИДАГИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ЯҚИНДА ЎЗИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАГАН КЎҲНА ШАҲАР — МАРҒИЛОНГА БАҒИШЛАНГАН БУ МАҚОЛА МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНИНИНГ ЎРИНБОСАРИ А.В.ВЛАСОВ ҚАЛАМИГА МАНСУБ.

«Ҳар бир халқнинг тарихи ҳар қандай давлатчилик, миллий аъёнлар ва замонавий авлодлар менталитети асосланадиган пойдевордир, деб ёздади олим. Глобаллашув жараёни ривожланаётган бир шароитда биз кўпинча ўзимизда ўтмишнинг асрий аъёнлари билан боғлайдиган халқга эҳтиёж сезмоқдамиз. Янги «универсал мен»ни қўлга киритганимиз ҳолда биз ҳар бир халқнинг алоҳида ажралиб турувчи қиёфаси - авлодлардан авлодларга ўтиб келган ўзига хослик ва бетакрорликни йўқотиш хавфи остига қўймоқдамиз. Бу муаммони нафақат маданият, илм-фароблар ва зиёвонлар, балки Европа, Америка ва Марказий Осиёдаги замонавий дунёнинг етакчи сиёсатчилари ҳам тунушиб етмоқда. Бундай ҳолатга қандай эришиш мумкин, умумийлик ва ноёблик ўртасидаги мувозанатга қачон риоя қилинади? Бу саволга жавобнинг калити халқ ўзининг аъёнлари ва тарихига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишидир. Бунга Ўзбекистон Республикаси яхши намуна бўла олади.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган маърузасида бундан икки минг йил муқаддам ўзбек халқининг ажодлари асос солган шаҳар ўзининг ўша пайтдаги ўрнида, яъни ўз тарихий ҳудудидида яшашда давом этаётгани ва

гуллаб-яшнаётганини таъкидлади. Бу бетакрор ўлканинг ҳозирга қадар бутун дунёни мафтун этиб келаётган ипак матолар ишлаб чиқариш маркази, нафис ҳунармандчилик, истеъдодли усталарнинг ватани бўлиб қолганганидан яна бир далолатдир».

Қадимий тарихий ёдгорликларнинг илк кўришларини сақлаш халқ маънавияти ва аъёнларини асраш демакдир. Бунда давлат дастурлари Буюк Ипак йўлидан хотира бўлиб қолган ноёб ёдгорликларни ўзида мужассам этган «тарихий воқеалар»ни шакллантиришга йўналтирилгани қувонарли ҳолдир. Дарҳақиқат, замонавий ҳаритада Ўзбекистоннинг Марғилон шаҳри сингари «хотира нуқталари» жуда кам қолди. Бироқ шаҳарнинг тарихи унинг замонавийлиги билан уйғунлашиб кетган. Ҳар бир киши алаҳ оқибатда тарихни унутмаган ҳолда бугунги билан яшаётганига, Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига нафақат қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, балки бу ерда дунёга келаётган ва яшайдиган авлодлар келажак йўлида оддий марғилонликларнинг яшаш шароитлари яхшиланаётганига гувоҳ бўлади. Бу тантанали маросимда иштирок этган ҳар бир киши ўзини қадимий ва замонавий Марғилонни вақт маконидида боғлаб турувчи улкан кўприкда тургандек ҳис қилди.

«Жаҳон» АА

Спорт янгиликлари

КУРАШЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

ОЗАРБОЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИ МЕЗБОНИК ҚИЛАЁТГАН ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАРИ ҚАТОРИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР ВА КЕЛАСИ ЙИЛИ ХИТОЙНИНГ ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИШТИРОК ҚИЛАЎРАМИЗ

Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган беллашуларда гиламга чиққан ҳамюртларимиздан Элдор Ҳафизов 55 килограмм вазн тоифасида кучли тўртликдан жой олди ва Пекин йўлнамасини қўлга киритди. Худди шу вазн тоифасида бел олишган эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров бу галги чемпионатда япониялик Т.Матсунага, болгариялик Р.Великов ҳамда испаниялик Ф.Санчесни мағлубиятга учратиб, кучли тўртликдан жой олди ва Пекин йўлнамасига сазовор бўлди.

Терма жамоамиз газнасига биринчи бронза медални 84 килограмм вазн тоифасидаги эркин курашчилар баҳсида иштирок этган Заурбек Соҳиев келтирди. Утган йили Хитойда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам совриндор бўлган ҳамюртимиз дастлабки учрашувидаёқ бўлажак финалчи — тожикистонлик Ж.Абусаюмовга кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйди.

Лекин учинчи ўрин учун ташкил этилган

беллашуларда бор иродасини кўрсатган З.Соҳиев Жанубий Кореядан келган Д.Ли, грециялик Л.Лоизидисни ҳамда туркиялик С.Болчини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, эркин кураш беллашуларидида 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Курбон Курбонов ва оғирлиги 120 килограмм бўлган Артур Таймазов ҳам терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал келтириб, олимпия лицензиясини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, курашчиларимиздан ташқари, спорт гимнастикаси устаси Антон Фокин, енгил атлетикачилардан Виталий Смирнов (ўн кураш), Гузал Хуббиева (югуриш), Светлана Радзивил, Надия Дусанова (иккаласи ҳам баландликка сакраш) ҳамда сузувчилар — Пётр Ромашкин ва Ирина Шлемова олимпия лицензияларини қўлга киритган.

ЎЗБЕК БОКСИНИНГ РЕЙТИНГИ ЮҚОРИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ИККИ ЙЎНАЛИШИ — ЖАҲОН БОКС УЮШМАСИ (WBA) ҲАМДА ЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO) ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАРИНИНГ СЕНТЯБР ОЙИДАГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. Янги рейтингга биноан ўзбекистонлик Руслан Чагаев ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони сифатида WBA йўналишининг энг юқори погонасида қайд этилган. Профессонал рингда йигирма тўртта жанг ўтказиб, шулардан йигирма учтасида голиб чиққан ва бир маротаба дуранг натижа кўрсатган енгилмас боксчимиз етакчилик қилаётган рейтингнинг кейинги уч погонаси собиқ жаҳон чемпионлари — россиялик Николай Валуев, беларуслик Сергей Ляхович ва америкалик Жон Руизга тегишли.

Мазкур йўналишда 66,6 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган тошкентлик чарм қўлқоп устаси Фарход Бакиров эса рўйхатнинг ўн биринчи погонасида бормоқда. Профессонал рингдаги фаолиятини 1995 йили бошлаган ҳамюртимиз шу кунгача йигирма саккизта жанг ўтказиб, йигирма тўрт маротаба зафар кучган ва иккита жангда кучлар тенг келган.

Жаҳон бокс ташкилоти

йўналиши бўйича ташкил этилаётган жангларда муваффақиятли иштирок этаётган Анджон бокс мактаби Тарбияланувчиси Курвонбек Тойғонбоев WBO рейтингидида яна бир поғона юқорилаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқаро ташкилот мутасаддилари WBO йўналиши бўйича 69,8 килограмм вазн тоифасида «Asia Pacific» чемпионлик камарини кетма-кет учта жангда муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимизни рейтингнинг тўртинчи погонасига лойиқ кўришган.

Бокс мутахассисларининг таъкидлашича, ўн йилдан буён профессионал рингда ўз кучини синая кўраётган ва ўттиз учта беллашувдан йигирма тўққизтасида қўли баланд келган Курвонбек Тойғонбоев яна бир нечта рейтинг жангидида галаба қозонса, ўз вазн тоифаси бўйича жаҳон чемпиони — беларуслик Сергей Дзинзирукнинг олтин камарига даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур йўналиш рейтингидида яна бир анджонлик чарм қўлқоп устаси — Қаҳрамон Орзиқуловнинг номи зикр этилгани ҳам ўзбекистонлик бокс илосмандларини хушнуд этади. Профессонал бокснинг 52,1 килограмм вазн тоифасида WBO йўналишининг «Inter-Continental» - қитъалараро ҳамда Халқаро бокс уюшмасининг (IBA) жаҳон чемпионлиги камарлари соҳиби ҳисобланган ҳамюртимиз кучли бешликдан жой олган.

Профессонал боксчилик фаолиятини 2001 йилда бошлаган Қаҳрамон Орзиқулов шу кунгача ўн еттига жанг ўтказиб, шулардан ўн тўрттасини ўз фойдасига ҳал қилган, саккиз маротаба рақибларини нокаутга учратган ва битта дуранг натижа қайд этган.

АБДУЛЛА ПОЛВОН ШОҲСУПАДА!

БРАЗИЛИЯНИНГ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЙИГИРМА БЕШИНЧИ МАРОТАБА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ДУНЁНИНГ



ЭНГ КУЧЛИ ДЗЮДОЧИЛАРИ ҚАТОРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР ҲАМ ГОЛИБЛИК УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ.

Мутлак вазн тоифасида ўтказилган беллашуларда таниқли полвонимиз Абдулла Тангриев шохсупанинг учинчи погонасини эгаллади ва жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, Осиёнинг энг кучли дзюдочиларидан ҳисобланган Абдулла Тангриев дзюдо бўйича қитъа чемпиони, жаҳон универсиадаси ва қатор алқаро мусобақалар голиби бўлишдан ташқари, ўзбек кураши бўйича ҳам жаҳон чемпиони.

Боҳур БЕК

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ

ГРЕЦИЯНИНГ ПЕТРИ ШАҲРИДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ.

Шуниси эътиборлики, унда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган иқтидорли спортчилар қатори Ульяна Тромова, Зарина Муҳитдинова, Жамила Раҳматова сингари Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этишмоқда.

Россиялик Алина Кабаева, Ольга Капанова, қозғистонлик Алия Юсупова каби номдор спортчилар билан беллашадиган ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин деймиз. (Ўз мухбиримиз)

Санъат

ЎН ҚИСМИ ЯНГИ СЕРИАЛ

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛМ» СТУДИЯСИ ЎЗИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАРАДДУД ҚЎРМОҚДА. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАТОР ЯНГИ ЭКРАН АСАРЛАРИ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА.

Шу ўринда истеъдодли кинорежиссёр Баҳодир Аҳмедов фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу изланувчан ижодкор кейинги йилларда бир неча картинани постановка қилди. Унинг «Лафз», «Боғ», «Имон» каби фильмлари томошабинларнинг севимли экран асарларига айланган.

Санъаткор «Судхўрнинг ўлими» деб номланган картинасини тугаллаш арасида турибди. Атоқли адиб Садриддин Айнийнинг қиссаси асосида суратга олинаётган мазкур фильм ўн қисмдан иборат бўлади. Бу киносериял ҳам мухлисларга яхши ижодий сова бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 30 сентябрь кун соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2003 йил 23 мартдаги 2-125/2003-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қодиров кўчаси, 20-уй, 19-онадондаги икки хонали уй-жой. Бошлангич баҳоси -19 520 000 сўм. Шунингдек, 2007 йил 12,19 ва 26 октябр кунлари соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиғидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий боққармаси томонидан 2005 йил 10 октябрдаги 0518/5181-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси 73-уйда жойлашган «ШОАВБОС» МЧЖга тегишли Блок-1 (112 кв.м.), Блок-2 (304 кв.м.), Блок-3 (72 кв.м.) Блок-4 (27 кв.м.), Блок-5 (46 кв.м.), Блок-6 (205 кв.м.)лардан ташкил топган қурилиши тугалланмаган бинолар ва шй-пон. Бошлангич баҳоси — 26 460 505 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилиги ишторикида бевосита жойга чиқиб қриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк юми, ижро ҳужат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 20432773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот боққармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.